

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил июнь ойининг 12 куни Бухоро вилоят жиноят ишлари бўйича Шофиркон туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья У.И.Бозоров, судья ёрдамчиси Н.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан Шофиркон туман прокурори катта ёрдамчиси Д.Мухамедиев, судланувчи О.Ҳайитов ва унинг ҳимоячиси – адвокат М.Бекмуродов, гумон қилинувчи М.Зарипов ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ё.Очиловнинг иштирокида, Ҳайитов Ойбек Шоҳиддиновичга нисбатан №1-2013-2401/■-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

■ 1986 йил 24 октябрь куни Бухоро вилояти, Шофиркон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанди бор, Шофиркон туманидаги 13-ИДУМ директори бўлган, ҳозирги кунда вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Шофиркон тумани, “Бобоато” МФЙ, Бобоато қишлоғида яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 30 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

■ қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан жиноий тил бириктириб, ўзи фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ва ҳужжатнинг қалбакилигини била туриб ундан фойдаланиш жиноятини содир қилган.

Чунончи, у 2024 йил 5 февраль куни таниши Зарипов Мўмин Исмоил ўғли билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, ўзи фойдаланиши мақсадида М.Зарипов 2024 йил 3 январь кунидан 2024 йил 2 февраль кунига қадар йиллик меҳнат таътилида бўлиб, тегишли ваколатга эга бўлмаган вақтда расмий ҳужжат ҳисобланган, муайян ҳуқуқ берадиган ва муайян мажбуриятдан озод этадиган олдинги сана, яъни 2024 йил 29 январь кунидан 2024 йил 31 январь кунигача бўлган кунлар учун



ишдан озод этилганлиги ҳақидаги №04БВ000650324 рақамли меҳнатга лаёқатсизлик варақасини расмийлаштириб олишга эришган.

Шунингдек, у таниши Зарипов Мўмин Исмоил ўғли билан ўзаро олдиндан жиний тил бириктириб, тайёрлаган ушбу қалбаки №04БВ000650324 рақамли меҳнатга лаёқатсизлик варақасини қалбакилигини била туриб, уни 2024 йил 14 февраль кунда 13-ИДУМ директори лавозимига ишга тикланиши учун фуқаролик ишлари бўйича Ёждувон туманлараро судига ёзган аризасига илова қилган ҳолда тақдим қилиб, ҳужжатларни қалбакилигини била туриб, ундан фойдаланиш жиноятини содир қилган.

Судланувчи О.Ҳайитов суд мажлисида, айбига мутлақо иқрорлик билдирмасдан, у 2024 йил 29 январь кун иш жойи Шофиркон туманидаги 13-ИДУМда бўлган вақтида тахминан соат 10 дан 30 дақиқа ўтганларда қон босими кўтарилганлигини, бетоб бўлганлиги сабабли ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари М.Йўлдошевага бу ҳақда билдирганлигини, директор ўринбосари М.Йўлдошева табелни имзолаш кераклигини айтиб ундан ушбу табелни имзолатиб олганлигини, шундан сўнг директор ўринбосари М.Йўлдошевага билдириб яшаш уйига кетганлигини, қон босимини ўлчаганлигини, қон босими белгиланган меъёрдан анча кўтарилган бўлганлигини билганлигини, бу ҳақда онасига билдирганлигини, онаси “Наққош” ОШПга бориб, у ердан шифокор топа олмагач таҳлил оладиган лаборант ҳамширани уйига олиб келганлигини, лаборант аёл келиб ундан таҳлил учун намуналарни олиб, текширганлигини, шундан сўнг акаси Дониёр келиб, уни бетоб эканлигини кўриб, шу кун соат тахминан 12 дан 30 дақиқа ўтганларда Мўмин исмли шифокорни чақириб келганлигини, шифокор ундан нима безовта қилаётганлигини сўраганлигини, у аҳволини шифокорга тушунтирганлигини, шу вақтда акасини келини Шаҳло ҳам келиб қолганлигини, Мўмин Шаҳлога уни амбулатор картасини олиб келишини сўраганлигини, Шаҳло амбулатор картасини олиб келиб, М.Зариповга топширганлигини, М.Зарипов унга даволаниши кераклигини айтганлигини, у М.Зариповга ҳаво совуқлигини мактабга бормаса бўлмаслигини айтиб, даволанишга боролмаслигини билдириб, уйда даволаниши учун дори-дармон ёзиб беришини сўраганлигини, М.Зарипов амбулатор картасига маълумотларни киритиб, Шаҳлога топширганлигини, шундан сўнг унга уч кунлик дори-дармон ёзиб бериб, кейинчалик яна келиб уни аҳволини текширишини айтиб кетганлигини, М.Зарипов ёзиб берган муолажаларни келини Шаҳлодан олганлигини (уколларни), шундан кейин мактабдан хабар олиш учун борганлигини, эртаси кун 2024 йил 30 январь кун 13-ИДУМга бориб, раҳбарларни йиғиб, мактабнинг кунлик эҳтиёжларига боғлиқ масалалар бўйича тегишли топшириқларни бериб келганлигини, 2024 йил 31 январь кунда ҳам мактабга бориб, ходимларга топшириқларни бериб, аҳволи яхши бўлмаганлиги сабабли уйга қайтганлигини, 2024 йил 1 февраль кунда соғлиги бир оз яхши бўлганлиги сабабли ишга борганлигини, хизмат хонасига кириб, энди ишни бошлаш арафасида турганида, қариндоши



вафот этганлиги ҳақида хабарни эшитиб, жаноза тадбирини ўтказиш учун кетганлигини, 2024 йил 2 февраль кунда Шофиркон тумани ММТ бўлими кадрлар бўлими ходими А.Рухуллаев унга телефон орқали ишдан бўшаганлиги ҳақида хабар берганлигини, шу куни эрталаб хизмат хонасига киргунига қадар хўжалик ишлари бўйича ўринбосарни учратиб қолганлигини, 2024 йил 1 февраль кунда мактабга туман ММТ бошлиғи келиб, ходимларни йиғиб уни ишдан бўшаганлигини ходимлар орасида айтганлигини билдирганлигини, бу хабарни эшитиб, ўзининг яшаш уйига кетганлигини, 2024 йил 31 январь кунда вилоят ММТ бошқармаси юристи мактабга келиб, унга шу ерда эканлиги учун расмга тушиб, бу ҳақда далолатнома тузиши кераклигини айтганлигини, унга далолатнома нима сабабдан кераклигини сўраганлигини, ушбу далолатнома ўзи учун кераклигини билдирганлигини, ушбу далолатномани ўқиб чиқиб, имзо чекиб берганлигини, 2024 йил 29 январь кундан 2024 йил 31 январь кунигача касал бўлса-да, ойлик табелда ишда эканлиги кўрсатилиб, ойлик олгани учун ушбу кунларга олган иш ҳақини қайтариш учун касаллик варақаси керак бўлганлиги сабабли 2024 йил 5 февраль кунда М.Зариповдан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштириб беришини сўраган бўлганлигини, М.Зарипов шу куннинг ўзида унга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини расмийлаштириб берганлигини, “Наққош” ОШПда юритилаётган №57-сонли амбулатор картасидаги ёзувлар ким томонидан юритилиб, ундаги қайдлар 2024 йил 29 январь кунигача ким ёзганлигини билмаслигини, 2024 йил 29 январь кундан 2024 йил 5 февраль кунига қадар бўлган вақт оралиғида “Наққош” ОШП шифокори Ф.Бобомуродовага мурожаат қилмаганлигини, М.Зариповга мурожаат қилишининг сабаби, М.Зарипов тахминан 1 йил 6 ой давомида отаси ва онасини соғлиғидан хабар олиб турган бўлганлиги, 2024 йил 5 февраль кундаги номига очилган 2024 йил 29 январь кундан 2024 йил 31 январь кунига қадар бўлган вақт оралиғида ишдан озод этилганлиги ҳақидаги №04БВ000650324-сонли вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини М.Зариповдан олганлигини, М.Зарипов унга “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали ушбу маълумотнома ташлаб берган бўлганлигини, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини олганидан кейин ишга тиклаш учун фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро судига ариза ёзиб, ушбу меҳнатга лаёқатсизлик варақасини аризасига илова қилганлигини, М.Зарипов унга муолажа қилган вақт меҳнат таътилида бўлганлигини, унга меҳнатга лаёқатсиз варақаси бериш мумкин эмаслигини билдирмаганлигини, шу сабабли маълумотномадан фойдаланиб ишга тикланганлигини, у 2024 йил 29 январь кундан 2024 йил 31 январь кунига қадар даволанганлигини, унинг ҳеч қандай айби йўқлигини, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Гарчи судланувчи О.Ҳайитов ўз айбига мутлақо иқрорлик билдирмаган бўлса-да, унинг айби қуйидаги далиллар билан тасдиқланади.

Жумладан:



-гувоҳ М.Зарипов дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаб, у 2020 йил май ойидан 2024 йил 19 февралга қадар Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли “Наққош” ОШПда оилавий шифокор бўлиб ишлаганлигини, “Наққош” ОШПда 4 нафар оилавий шифокор бўлиб, ушбу шифокорларнинг ҳар бирига ҳудудлар бўлиб берилган бўлганлигини, унга “Улуғхўжа”, “Султон Жўра”, “Талипоя” ва “Кўлҳовли” қишлоқлари бириктирилган бўлганлигини, О.Ҳайитов номига № 04БВ000650324-рақамли вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини у расмийлаштириб берганлигини, чунки 2024 йил 29 январь куни тахминан соат 12:00ларда О.Ҳайитовнинг акаси Дониёр ака уни уйига келиб, укаси Ойбек касал эканлигини, уни бориб кўриши кераклигини айтганлигини, шундан кейин у Шофиркон тумани “Наққош” қишлоғида яшовчи О.Ҳайитовнинг уйига борганлигини, О.Ҳайитовнинг қон босимини ўлчаганлигини, юрагини тонларини эшитиб кўрганлигини, О.Ҳайитовнинг қон босими 140/90 ммсим устунини ташкил қилганлигини гувоҳи бўлганлигини, пулс 88 тани ташкил қилганлигини, беморнинг шикоятларини эшитганлигини, бемор боши ва юрагида оғриқ борлигини билдирганлигини, у беморга гипертония касаллиги ташхисини қўйганлигини, у Шаҳло исмли ҳамширага О.Ҳайитовнинг амбулатор картасини олиб келишини айтганлигини, Шаҳло О.Ҳайитовнинг амбулатор картасини олиб келгач ушбу маълумотномаларни амбулатор картага қайд қилганлигини, у О.Ҳайитовнинг қон босими баландлиги учун унга иш фаолиятини вақтинчалик яъни тузалгунига қадар тўхтатиб туришини сўраганлигини, шундан кейин у 2024 йил 31 январь кунида О.Ҳайитовни текшириб, қон босими баланд эканлигини гувоҳи бўлганлигини, сўнг 2024 йил 1 февраль куни О.Ҳайитовнинг уйига бориб, О.Ҳайитовни қон босимини текшириб, унинг аҳволи яхши томонга ўзгарганлигини кўрганлигини, у О.Ҳайитовга энди ишга чиқиши мумкин эканлигини билдирганлигини, О.Ҳайитовнинг илтимосига биноан у 2024 йил 3 январдан 2 февраль кунига қадар меҳнат таътилида бўлгани учун 2024 йил 5 февраль кунида О.Ҳайитовга ушбу 2024 йил 29 январь кунидан 2024 йил 31 январь кунигача вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини расмийлаштириб берганлигини, у О.Ҳайитовдан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси нима сабабли керак бўлаётганлигини сўраганида, у унга иш юзасидан керак бўлаётганлигини, унга ҳеч қандай гап тегмаслигини билдирган бўлганлигини, беморга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилгач вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини қайд қилиш журналига қайд қилиниши, бемор тузалганидан кейин вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилган куни базадан расмийлаштириб берилишини, бемор ҳақидаги маълумотлар ИТ бўйича ҳамшира томонидан киритилиб, ОШП мудирини томонидан тасдиқланиши керак эканлигини, ИТ бўйича ҳамшира ва ОШП мудирини тушунмаганлиги сабабли бемор бўйича маълумотларини ҳам базага ўзи киритиб, ОШП мудирининг логин ва пароли билан тизимга кириб тасдиқлаганлигини, у тахминан 2024 йил 31 январь кунидан тизим ўзгарган вақтдан тахминан 10 кун тизимга маълумотларни киритиб, ОШП



мудирин номидан тасдиқлаб берганлигини, у О.Ҳайитовни вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тасдиқлаётгани ҳақида М.Очиловага айтмаганлигини, ундан рухсат ҳам сўрамаганлигини, у меҳнат таътилида бўлгани учун 2024 йил 29 январь кунидан 2024 йил 3 февраль кунигача ишхонасига бормаганлигини, шунинг учун 2024 йил 31 январда О.Ҳайитовнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тизимда рўйхатдан ўтказмаганлигини, у таътил даврида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очишга ваколати бор йўқлигини билмаганлигини, у О.Ҳайитовга 2024 йил 29 январь кунидан 2024 йил 31 январь кунигача вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очиб берганлигини, у О.Ҳайитовга қачондан қачонгача вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштириб берганлигини ёзмаганлигини, О.Ҳайитовнинг номига очилган №57-сонли амбулатор картадаги 2024 йил 29 январь кунидан 2024 йил 1 февраль кунигача қайд қилинган ёзувлар у томонидан ёзилганлигини, уни 2024 йил 5 февраль кунда О.Ҳайитов меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштириб, О.Ҳайитовнинг “Telegram” рақамига ташлаб берган бўлганлигини билдириб кўрсатув берди.

-гувоҳ А.Камолов дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаб, у 2024 йил 8 февраль кундаги Шофиркон туман прокуратурасининг 9/02-24-сонли хатига асосан 2024 йил 13 февраль кундаги Ғиждувон туман Тиббиёт бирлашмасининг №19-сонли буйруғига биноан шериги А.Ҳамроев билан 2024 йил 15 февраль кунини Шофиркон тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли “Наққош” ОШПга бориб, бемор О.Ҳайитовнинг номига берилган 2024 йил 5 февралдаги №04БВ000650324-рақамли вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг ҳаққонийлигини ўрганишганлигини, ўрганиш жараёнида бемор О.Ҳайитов ОШП оилавий шифокори Ф.Бобомуродовага бириктирилган ҳудудда яшаши, Ф.Бобомуродова томонидан унга тиббий хизмат кўрсатиб, амбулатор картасида қайд қилиб борилганлигини, аммо 2024 йил 29 январь кунини, 2024 йил 31 январь кунини ва 2024 йил 1 февраль кунини Ф.Бобомуродова ишда бўлган бўлса-да, ўша вақтда меҳнат таътилида бўлган оилавий шифокор М.Зарипов томонидан беморни кўрикдан ўтказилганлиги тўғрисида қайдлар ёзилганлигини, ушбу 2024 йил 29 январь кунини ва 2024 йил 31 январь кунини кўрилганлиги ҳақидаги ёзувлар ёзилган варақ беморнинг амбулатор картасига ёпиштириб қўйилганлигини, шунингдек, ушбу касаллик варақаси 2024 йил 29 январь кунидан 2024 йил 31 январь кунигача очилганлиги кўрсатилган бўлса-да, 2024 йил 5 февраль кунда орқа сана билан электрон базада рўйхатга олинганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, 2024 йил 29 январь кундаги амбулатор картасида касаллик варақаси очилиши ёзилган бўлса-да, унда касаллик варақаси қайси санадан неча кунга очилганлиги кўрсатилмаганлиги аниқланганлигини, бу тўғрисида Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси номига Ғиждувон тумани Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номидан жавоб хати беришганлигини, беморни меҳнатга лаёқатсизлиги ҳақида хулосага келганда шифокор ўша кунини



билан 5 кунгача вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини очиб, бу ҳақда амбулатор картада қайд қилиши лозимлигини, меҳнат таътилида бўлган шифокорнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очишга ҳақи йўқлигини, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 март кундаги №25-сонли “Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғининг 2 боб 16-бандининг иккинчи хатбошисида “Бириктирилган шифокор ишда бўлмаганда беморга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси бошқа шифокор томонидан бўлим мудури ёки бош шифокор билан биргаликда берилади” деб кўрсатилганлигини, соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 март кундаги №25-сонли “Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғининг 2 боб 9-бандига асосан “касаллик ва шикастланганлик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаси меҳнатга лаёқатсиз шахс мурожаат қилган ёхуд даволанган даволаш муассасаси томонидан меҳнатга лаёқатсизлик аниқланган кундан бошлаб берилишини, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ўтказиб юборилган кунларга берилмаслиги кўрсатилганлигини, юқоридаги ҳолатда агар бемор О.Ҳайитов 2024 йил 29 январь кунда мурожаат қилган бўлса ўша кун билан берилиши керак бўлганлигини, М.Зарипов эса 2024 йил 5 февраль кунда олдинги саналар учун 2024 йил 29 январь кундан 2024 йил 31 февраль кунигача О.Ҳайитовга берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳақиқий ҳисобланмаслигини билдириб кўрсатув берди.

-гувоҳ А.Ҳамроев дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаб, гувоҳ А.Камоловнинг кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув берди.

-гувоҳ М.Юлдашева дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаб, у 2010 йилдан буён Шофиркон тумани 13-сони ИДУМда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келаётганлигини, уни хизмат вазифаларига ўқитувчиларни келиб кетишини табелини юритиш, табелни туман ММТ бўлими ҳисобхона бўлимига топшириш, ЭРБ базалар назорати ва бошқалар киришини, раҳбарларнинг ишга келиб кетиши табелини бевосита директор ва кадрлар менежери юритишини, у шу табелга асосан иш ҳақи табелини ёзишини, иш ҳақи табелини топшириш муддати ҳар ойнинг 25 санасидан ойнинг охиригача санасигача этиб белгиланганлигини, ушбу муддат ичида ходимлар келиб кетишида бирор-бир ўзгариш бўладиган бўлса, ҳисобчисига айтиб ўзгартирганлигини, 2024 йил январь ойида ойлик табелни тайёрлаб, 2024 йил 29 январь кунда туман ММТ бўлими ҳисобхона бўлимига топшириш учун борганлигини, ҳисобчи баъзи камчиликларни айтгани учун тўғрилаб, 2024 йил 30 январь кунда тўлиқ қилиб олиб бориб берганлигини, у ойлик табелни топширган вақтида яъни 29-30 январда мактаб директори О.Ҳайитов ишда бўлганлигини, шунинг учун у О.Ҳайитовга январь ойнинг 29-31 санасигача ишда бўлганлиги ҳақида ойлик табел ёзиб берганлигини, бундан ташқари



2024 йил 31 январь кунда Бухоро вилоят ММТ бошқармасининг юридик хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Н.Шарипов тахминан соат 10:00ларда 13-ИДУМга келиб мактаб директори билан учрашганлигини ва директордан меҳнат таътили ёки касаллик варақасига чиққан чиқмаганлигини сўраганлигини, О.Ҳайитов ҳеч қандай меҳнат таътили ва касаллик варақасига чиқмаганлигини айтган бўлганлигини, шундан кейин у бу ҳақда директор О.Ҳайитов ва Н.Шарипов иштирокида далолатнома тузилганлигини, 2024 йил февраль ойининг 1 ёки 2 санасида вилоятдан Н.Шарипов, туман ММТ бўлими бошлиғи Р.Атоев, кадрлар бўлиmidан А.Руҳиллаев келиб О.Ҳайитовни ишдан бўшатирилганлиги ҳақидаги буйруқни уларга таништирилганлигини, О.Ҳайитовни чақирилганлигини, О.Ҳайитов унга таъзия бўлиб қолганлигини айтиб, мактабга боролмаслигини билдирганлигини, шундан кейин Р.Атоев мактабда йиғилиш ўтказиб, мактаб директорининг вазифаларини вақтинчалик бажаришни унга топшириб кетирилганлигини, орадан 1-2 кун ўтгач директорни касаллик варақаси очтирилган эканлиги ҳақида гап тарқалганлигини, бироқ унгача яъни 2024 йил 31 январь кунига қадар О.Ҳайитов унга касаллик варақаси очганлигини айтмаган бўлганлигини, О.Ҳайитов ишга келмаганда ёки касаллик варақасига чиққанлигини унга билдирганида, у ойлик табелга унинг касаллигини кўрсатган бўлишини, чунки маънавий ишлари бўйича директор ўринбосари Ш.Жўраева 2024 йил 29 январь кунда ишга келмаганлигини, у Ш.Жўраевадан мактабга келмаганлик сабабларини сўраган вақтида у вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очтирилганлигини билдирганлигини, шунинг учун унинг 2024 йил 29 январь кунидан 2024 йил 31 январь кунда касаллиги ҳақида январь ойининг ойлик табелида кўрсатиб ҳисобчига топширилганлигини билдириб кўрсатув берди.

-гувоҳ У.Камолова дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаб, у 2023 йил 12 сентябрь куни Шофиркон тумани ТТБга қарашли “Наққош” ОШПда ИТ бўйича ҳамшира лавозимига ишга кирганлигини, уни хизмат вазифаларига маълумотларни ахборот тизимларга киритиш, билмаган ходимларга ўргатиш, маълумотларни ахборот тизимларига ўз вақтида киритилишни назорат қилиш ва бошқалар киришини, 2024 йил 29 январь куни туман Тиббиёт бирлашмасидаги ИТ бўйича бошлиғи А.Шобековдан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини рўйхатга олиш учун “MIS2-SSV.UZ” базасига кириш логин ва паролларини олганлигини, у ушбу тизимни яхши тушунмаганлиги сабабли вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган беморларни ушбу базага киритиш учун ахборот технологияларини яхши тушунадиган шифокор М.Зариповга ушбу логин ва паролни ташлаб берганлигини, шундан кейин вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган беморлар ҳақидаги маълумотларни ҳам М.Зариповга “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали ташлаб берганлигини, М.Зарипов бу вақтда меҳнат таътилида бўлгани сабабли шифохонага келмасдан ушбу маълумотларни тизимга киритилганлигини, орадан бироз вақт ўтиб М.Зарипов тизимга маълумотларни киритиш тартибини унга



ўрганлигини, шундан сўнг у тизимга маълумотларни ўзи киритиб тасдиқлаш учун ОШП мудирини М.Очиловага электрон тарзда юбора бошлаганлигини, бемор амбулаторияга келиб, врачгача қабул хонасига кириб, умумий амалиёт ҳамширасига учрашишини, умумий амалиёт ҳамшираси уни картасини топиб, рўйхатга олишини ва ҳудудий оилавий шифокорга юборишини, оилавий шифокор уни кўриқдан ўтказиб, таҳлил учун лабораторияга юборишини, лабораториядан таҳлил натижаларини олиб, бемор шифокорнинг олдига қайтиб келишини, шифокор беморнинг аҳволини ўрганиб, дори-дармон ёзиб беришини, беморга меҳнатга лаёқатсизлик касаллик варақаси очиш керак деган хулосага келинса, беморни ОШП мудирига юбориш кераклигини, ОШП мудирини беморни ҳақиқий касаллигини ўрганиб, унинг амбулатор картасига меҳнатга лаёқатсизлик касаллик варақаси очишга рухсат беришини, бемор ҳақиқатда тузалганидан кейин ҳудудий шифокорга келиб кўришиб, шифокор беморни касаллиги тузалган деб ҳисобласа, ОШП мудирига юборишини, беморни кўрган шифокор тузалганига ишонч ҳосил қилганидан кейин унга бемор ҳақидаги маълумотларни амбулатор картаси билан бериши кераклигини, шундан кейин у бемор ҳақидаги маълумотларни “IT MED” дастурининг “MIS2-SSV.UZ” базасига киритиб, бемор ҳақидаги маълумотларни электрон тарзда ОШП мудирига юборишини, ОШП мудирини бемор ҳақидаги маълумотларни кўриб текшириб тасдиқлашини, 2024 йил 5 февраль кундаги О.Ҳайитовнинг 2024 йил 29 январь кундан 2024 йил 31 январь кунига қадар меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очиш учун у ҳақидаги маълумотларни тизимга шифокор М.Зарипов киритиб, М.Очилованинг номидан ҳам унинг ўзи тасдиқлаган бўлганлигини, чунки у дастлаб ушбу тизимга кириш учун логин ва паролни М.Зариповга берган вақтида, тизимга киритиш учун ўзининг логин пароли билан бирга тасдиқлайдиган ОШП мудирини М.Очиловани ҳам логин ва паролини унга берган бўлганлигини, у 2024 йил 3 январь кундан 2024 йил 6 февраль кунигача меҳнат таътилида бўлган вақтида уни вазифасини шифокори С.Бўронов бажарганлигини, у 2024 йил 17 январь кунда ўз ҳисобидан таътил олиб “Умра” сафарига кетганлигини билдириб кўрсатув берди.

-гувоҳ М.Ғафурова дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаб, у 2021 йил декабрь ойидан Шофиркон тумани ТТБга қарашли “Наққош” ОШПда лаборант бўлиб ишлашини, уни хизмат вазифасига шифокорларнинг кўрсатмаси ва беморларнинг мурожаатларига асосан беморлардан қон, пешоб, ахлат, биохимия учун намуналар олиб, уларни таҳлилдан ўтказиб, қоннинг қуюқ суюқлигини, гемоглобин миқдорини, эритроцит, лейкоцит, сойларни текшириш, таҳлил натижаларини “Лаборатор таҳлилларни қайд қилиш Журнали”га, шундан кейин бланкага ёзиб беморнинг амбулатор картасига ёпиштириш ёки бланка бўлмаган тақдирда амбулатор картанинг ўзига ёзиб қўйиш, ОШПга келолмайдиган беморлар учун улардан ҳам намуна олиш зарурати туғилса, беморларнинг уйига бориб, таҳлил учун намуна олиш каби вазифаларни бажаришини, О.Ҳайитовни “Наққош” ОШПда ишга



кирганидан буён бемор сифатида танишини, 2024 йил 29 январь куни соат 11:00ларда у “Наққош” ОШПда ишда бўлган вақтида О.Ҳайитовни онаси келиб, унга ўғлини соғлиги ёмонлашганлигини айтиб, ундан таҳлил учун намуна олишини айтганлигини, шундан кейин у О.Ҳайитовнинг уйига бориб, ундан таҳлил учун намуна олганлигини, намуналарни ишхонасига олиб келиб текширганлигини, таҳлил натижаларини дастлаб “Лабаратор таҳлилларни қайд қилиш Журнали”га, шундан кейин бланкага ёзиб беморнинг амбулатор картасига ёпиштирганлигини, таҳлил натижалари яхши чиққанлигини, бироқ О.Ҳайитовнинг қони қуюқ эканлигини билганлигини, у О.Ҳайитовдан таҳлил учун намуналар олгандан кейин таҳлил натижалари бўйича бирор-бир шифокорга билдирмаганлигини, чунки бемор қайси шифокорга мурожаат қилса, беморни даволайдиган шифокор ўзи беморнинг амбулатор картасини олиб, ундаги таҳлил натижаларини кўриб шунга қараб ташхис қўйиши кераклигини, у О.Ҳайитовга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ким томонидан нимага асосан расмийлаштириб берилганлигини билмаслигини, у фақат таҳлил учун намуна олиб, таҳлил натижаларини ёзиб берганлигини билдириб кўрсатув берди.

-гувоҳ М.Саъдуллаева судда, у Шофиркон туманидаги 13-ИДУМда кадрлар менеджери вазифасида ишлаб келаётганлигини, мактаб директори бўлган О.Ҳайитов 2024 йил 29 январь куни ишга келганлигини, бироқ ўзини бетоб эканлигини айтиб, мактабдан чиқиб кетганлигини гувоҳи бўлганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи О.Ҳайитовнинг кўрсатмасини тинглаб, судланувчининг айби, гувоҳнинг кўрсатмалари, шунингдек вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва амбулатор карта нусхалари билан (и.в.5-9);

-М.Зариповнинг йиллик меҳнат таътилига чиққанлик буйруқ нусхаси билан (и.в.16);

-нарсани (видео кузатув хотирасини) кўздан кечириш ҳақидаги баённома билан (и.в.40-42);

-О.Ҳайитовнинг 2024 йил 31 январь куни ишда бўлганлиги юзасидан тузилган далолатнома билан (и.в.47);

-ашёвий далилни олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси билан (и.в.65-66);

-юзлаштириш баённомаси билан (и.в.158-162);

-ашёвий далиллар деб эътироф этиш ҳақидаги қарор билан (и.в.178);

-тушунтириш хатлари ҳамда бошқа иш материалларида тўпланган далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи О.Ҳайитовнинг М.Зарипов билан олдиндан жиноий тил бириктирмаганлиги, М.Зариповнинг 2024 йил 3 январь кунидан 2024 йил 2 февраль кунига қадар йиллик меҳнат таътилида бўлганлигини билмаганлиги, у 2024 йил 29 январь кунидан 2024 йил 31 январь кунигача бетоп бўлганлиги сабабли ишдан озод этилганлиги ҳақидаги №04БВ000650324 рақамли меҳнатга лаёқатсизлик варақасини расмийлаштириб олганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, унинг



ушбу кўрсатувлари жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида келтирилган вазлар деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи О.Ҳайитовнинг содир этган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига биноан, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасига кўра, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 5-бандида, судларнинг ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи О.Ҳайитовнинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб, қарамоғида тўрт нафар фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги № 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, мазкур Қарорнинг 45-бандида, “айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда суд жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт”лиги кўрсатилган.

Суд юқорида қайд қилинган Пленум қарорининг раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, судланувчи О.Ҳайитовга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, у томонидан содир қилинган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, унинг шахсини, ижтимоий аҳволи ва оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини, ёшини, жиноят содир этиш



вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, жиноят содир этиш пайтидаги ва содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инobatга олиб, унга жинoий қилмиши учун қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, шунингдек суд, судланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаш масаласини муҳокама қилиб, юқорида қайд қилинган жиноятларни иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ҳолда содир этганлигини инobatга олиб, унга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазони тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган О.Ҳайитов номига “Наққош” ОШП томонидан очилган 57-сонли амбулатор картасини жиноят ишига қўшилганлигини инobatга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 (бир) йил муайян ҳуқуқдан яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун 1 (бир) йил муайян ҳуқуқдан яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилиш ва таъминлаш Шофиркон туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИО Пробация гуруҳи белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.



Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддати биринчи ойлик иш ҳақидан фоизлар ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган [REDACTED] номига “Наққош” ОШП томонидан очилган 57-сонли амбулатор картаси жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нухасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

У.И.Бозоров

